

Юридик хизмат ва уни ривожлантириш истиқболлари¹

Ўзбекистонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги ислохотлар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан белгилаб берилган бешта тамойил, яъни иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва мафкурадан ҳолилиги, давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, бошқарув ва ҳўжалик юритишнинг барча поғоналарида қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш асосида олиб борилмоқда.

Ислохотлар кўп қиррали ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унда мукаммал қонунчиликни яратиш, унинг қатъий бажарилишини таъминлаш, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мажбуриятларини аниқ белгилаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида, 2016 йил 5 октябрда «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ҳамда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-4848-сонли Фармони қабул қилинди.

Шунингдек, ушбу ислохотнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли Фармони²нинг қабул қилиниши, ҳамда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

¹ Расулов Зоҳиджон, ТДЮУ “Бизнес ҳуқуқи” йўналиши, 1-курс магистранти

² «Халқ сўзи» газетаси, 22.10.2016 й., 209 (6644)-сон

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши бу борадаги ислохотларнинг туб бурилиш нуктаси бўлди, деб айтишимизга тўла асос бўлади.

Мазкур вазифаларни ҳаётга татбиқ қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизматини самарадорлигига эришиш, шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятида юридик хизматни узлуксиз ташкил этиш салмоқли ўринга эга.

Ҳозирги даврда юридик хизмат ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмнинг бир қисми сифатида қонунчиликни, интизомни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг амалий воситаларидан бирига айланмоқда. Шунинг учун юридик хизмат доимий эътиборни, унга малакали ва мунтазам раҳбарлик қилишни талаб қилади.

Бундай зарурият ўтган босқичларнинг ижобий ва салбий тажрибаларидан, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам қафолатлаш ҳамда ҳимоя қилиш вазифаларидан объектив тарзда келиб чиқишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда юридик хизматни такомиллашиши ва истиқболлари тадрижий ўрганиш, бошқача қилиб айтганда, юридик хизматни тартибга солувчи нормаларни ўзаро таққослаш юридик хизматнинг туб моҳиятини англашга, шу билан биргаликда ўзаро зид келувчи нормаларни ёки ҳуқуқ нормаларидаги бўшлиқларни аниқлаш ва бартараф этишга имкон беради.

Биламизки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида юридик хизматнинг тартибга солувчи махсус юридик ҳужжатлардан бири бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 182-сонли қарори ва мазкур қарорга илова сифатида тасдиқланган ииккита Низом ҳисобланади³. Биринчи Низом, “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида”ги ва иккинчиси, “Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низомлардир.

³Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 35-36-сон, 355-модда; 2012 й., 37-сон, 429-модда; 2013 й., 50-сон, 650-модда; 2015 й., 23-сон, 302-модда.

Мазкур Қарор ва Низомларда юридик хизмат фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, ходимларнинг ваколат, вазифа ва мажбуриятлари, уларни аттестациядан ўтказиш ва малакасини ошириш тартиби белгиланди.

Шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, ҳамда уларнинг юридик хизматлари юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этишини назорат қилиш, юридик хизматларнинг кадрлар таркиби, ушбу хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган базани шакллантириш ва юритиш Адлия вазирлиги зиммасига юклатилди.

Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати ходимларини адлия органлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинлаш, юридик хизматларнинг адлия органлари олдида ҳисобдорлиги таомили жорий этилди.

Гарчи шундай бўлсада, юридик хизматларнинг ходимлари қонун бузилишини олдини олиш ҳамда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриш учун етарли ва таъсирчан ваколатларга эга эмасликлари сабабли уларнинг фаолияти кутилган самарани бермади.

Юридик фанлар номзоди, доцент Фозилжон Отахонов ушбу ҳолатга изоҳ берар экан, ҳозирги пайтда давлат органлари ва ташкилотлари штат жадвалида назарда тутилган юридик хизмат ходимларининг сони жуда озчиликни ташкил этишини, айти пайтда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг аксарияти доимий равишда юрисконсулт хизматидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслигини, ҳамда бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари мавжудлигини таъкидлайди.

Хусусан, объектив сабаблар жумласига – юристлар сонининг республикамизда камлиги, барча корхоналарда ҳам доимий равишда юридик хизмат ходимларига ҳақ тўлаш имконияти йўқлиги, шунингдек юридик хизмат ходимлари маошларининг камлиги, субъектив сабабларга эса – корхона раҳбарларининг юридик хизматга юзаки қараб уни мустаҳкамлашга эътибор бермаслиги, юристларнинг кўпчилигида асосан прокуратура, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ишлаш иштиёқи кўплиги ва юридик хизматга беписандалик билан қарашлари каби ҳолатларни санаб ўтади.

Шунингдек, юридик фанлар номзоди, доцент Фозилжон Отахонов адвокатура фаолиятига ҳам баҳо берар экан, ҳозирда хўжалик юритувчи субъектлар асосан адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ҳамда адвокатлик бюрolariда фаолият олиб бораётган адвокатларнинг хизматларидан кўпроқ фойдаланаётганлиги, бироқ адвокатура институти томонидан хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатиладиган юридик хизмат юридик хизматнинг барча йўналишларини қамраб ололмаётганлини ва асосан шартнома лойиҳаларини тузиш, уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда

судда вакиллик қилиш билан чекланиб қолаётганлигини таъкидлаб, адвокатура институтини ҳам ислоҳ этиш зарурлигига урғу беради.

Фикримизча, бу муаммоли ҳолатлар амалиётда тўла ўз аксини топган ва бу ҳолатларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилиши лозим.

Юқоридаги ҳолатлардан ташқари, фикримизча юридик хизматларни ташкил этишнинг тартиби, уларнинг штат бирликларини белгилаш меъёр ва мезонларининг мавжуд эмаслиги турли давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматларнинг ташкилий штат тузилмасини оқилона белгилашни таъминлашга имкон беради.

Хусусан, юридик хизматлар томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ишлари самарали ташкил этилмаганлиги, юридик хизмат ходимларининг моддий таъминот даражаси мазкур соҳага олий юридик маълумот ва амалий тажрибага эга юқори малакали кадрларни жалб қилишга тўсқинлик қилаётганлиги, натижада бу ҳолат юридик хизматлар ишининг сифатига ўз таъсирини ўтказётганлиги, бу эса республика миқёсида юридик хизматнинг сифат даражаси жиҳатидан ўсишига тўсиқ бўлмоқда.

Мазкур ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида қонунийликни янада мустаҳкамлаш, демократик ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда юридик хизматларнинг роли ва жавобгарлигини изчиллик билан кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январда “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сонли қарорининг қабул қилиниши юридик хизмат сифатини такомиллаштириш ва юридик хизмат ходимларининг ижтимоий ҳимояси кучайтиришдаги ислоҳотларнинг туб бурилиш нуқтаси бўлди, деб айтишимиз мумкин⁴. Мазкур Қарор билан иккита Низом тасдиқланган бўлиб, биринчиси “Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”ги Низом, иккинчиси “Юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 182-сонли қарори ва мазкур қарорига илова сифатида тасдиқлан иккита Низом нормалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январда “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сонли қарорида тўлдирилган,

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 50-модда

аниқлаштирилган ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмати ходимларининг ижтимоий ҳимоясига оид нормалар билан тўлдирилган.

Ҳар қандай шахсда ҳам юридик хизмат тушунчасини эшитганда, бу қандай хизмат экан ёки бу хизматни ким кўрсатиши мумкин, деган савол туғилиши табиийдир.

Юридик фанлар номзоди, доцент Фозилжон Отахоновнинг таъкидлашича, “юридик хизмат бу муайян бир ташкилот ёки корхонада (давлат ташкилоти, нодавлат ташкилот ёки ҳар қандай ташкилий ҳуқуқий шаклдаги тадбиркорлик субъекти бўлиши мумкин) ташкил этилиши, ҳамда бу ташкилий бирлик юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ёки битта штатдан иборат бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсулт сифатида ташкил этилиши шунингдек, мазкур юридик хизмат қонунчиликка мувофиқ тегишли ташкилотнинг бутун ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида бевосита қатнашиши, ташкилотнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиши лозим”.

Юридик фанлар доктори, профессор Б.И. Пугинскийнинг фикрича, «Юридик хизматни юридик бўлим, яъни департамент, бошқарма, бюро ва алоҳида мутахассис бош юрисконсулт ёки ташкилот юрисконсулти кўрсатади, шунингдек адвокатлик тузилмалари ҳам шартнома асосида ташкилотга юридик хизмат кўрсатиши мумкин”.

Демак, юридик хизмат деганда — давлат органи ва ташкилоти фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофиқ мажбурий тартибда ташкил этиладиган ёки жорий қилинадиган мустақил таркибий тузилма ёхуд лавозимни тушунишимиз лозим. Юридик хизмат юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ташкил қилиниши ёхуд битта штатдан иборат бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсултдан иборат бўлиши мумкин⁵. Бу корхона, ташкилот ёки муассасанинг фаолият даражасидан келиб чиқиб танланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январда “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2733-сонли қарорига асосан, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматлари давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган (қабул қилинадиган) норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш, давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг таркибий

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 50-модда

тузилмалари ишини мувофиқлаштириш, давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишда иштирок этиш, шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, давлат органлари ва ташкилотларининг мулкӣ ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш каби вазифаларни амалга оширади.

Хусусан, давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматнинг сифат жиҳатдан такомиллаштирилиши, фуқаролар ва айниқса тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳеч қандай тўсқинликларсиз йўлга қўйилишига, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Биламизки, тадбиркорлик субъекти бутун тадбиркорлик фаолияти давомида давлат органи ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда иш юритади. Бунда давлат органи ва ташкилотлари билан тадбиркорлик субъекти ўртасида тузиладиган ҳар қандай ҳуқуқий тусдаги ҳужжатнинг амалдаги қонун доирасида бўлиши, тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмайдиган тарзда тузилиши юридик хизматнинг энг асосий вазифаларидан биридир.

Шунингдек, юқоридаги Қарорда давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан уларнинг ҳудудий тузилмаларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган энг кам меъёр ва мезонларга асосан, мажбурий тартибда юридик хизматлар ташкил этилиши ва бунда юридик хизматнинг мавжуд штат бирликларини қисқартирилишига йўл қўйилмаслиги, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимларига адлия органлари ходимларига белгиланган мартаба даражаларини бериш, кўп йиллик хизмат учун устамаларни тўлаш тартиби татбиқ этилиши, юридик хизмат ходими сифатидаги меҳнат стажи ходим бошқа давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига ишга ўтганда мартаба даражалари ва кўп йиллик хизмат устамаларини тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи ҳисобига олинishi, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг мазкур мутахассислик бўйича уч йиллик стажига эга бўлган ходимлари, лицензия олиш учун адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахс сифатида малака имтиҳонида тегишли стажировка ўтмасдан иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги, давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимлари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида ҳар уч йилда бир марта аттестациядан ўтиши лозимлиги қатъий белгилаб қўйилди⁶.

⁶ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 50-модда

Шу билан бирга давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари мазкур органлар ва ташкилотлар иштирокида вужудга келадиган низоларни судгача ҳал этиш юзасидан мажбурий тартибда чораларни кўриши лозимлиги, буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик хусусиятга эга бўлган бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизани амалга ошириш учун мажбурий тартибда юридик хизматга тақдим этилиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари юзасидан мажбурий тартибда юридик хизматнинг ҳулосаси олиниши лозимлиги, давлат органлари ва ташкилотларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юзасидан берилган шикоятлар мажбурий тартибда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари томонидан ҳам кўриб чиқирилиши, юридик хизмат ходимлари ҳар чоракда судгача ва суд тартибида давлат органи ва ташкилоти фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда мукофотланиши каби нормалар ўз ифодасини топган.

Хусусан, давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг махсус унвонлари қуйидаги мартаба даражаларидан иборат қилиб белгиланди, яъни:

- 1-даражали адлия маслаҳатчиси;
- 2-даражали адлия маслаҳатчиси;
- 3-даражали адлия маслаҳатчиси;
- 1-даражали юрист;
- 2-даражали юрист;
- 3-даражали юрист.

Мазкур мартаба даражалари давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига ижобий аттестация, малакаси ва иш стажига мувофиқ, эгаллаб турган лавозимини, олдинги иш ёки хизмат жойида берилган махсус унвонларни, шунингдек қонунчиликни мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасидаги хизматларини ҳисобга олган ҳолда изчил тартибда республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг тавсиялари бўйича,

шунингдек ўз ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан берилади⁷.

Республикада юридик хизматнинг сифат жиҳатдан такомиллаштирилиши, юридик хизмат ходимларининг моддий таъминот даражасининг яхшиланиши қувонарли ҳол албатта, лекин тадбиркорлик субъектларининг тўлиқ ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва бузилишининг олдини олишда, уларнинг фаолиятида узлуксиз юридик хизматни ташкил этмасдан туриб эришиш дарғумондир.

Қачонки, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка асосан ташкил этиб, фаолият юритар экан, ўшандагина самарали фаолият ва қутилган фойда (даромад)га эришади. Аксинча, ноқонуний тадбиркорлик билан шуғулланиш, тушумни яшириш ёки рухсат бериш тартиб таомилларига риоя этмасдан маълум бир фаолият билан шуғулланишда давом этар экан, бунда мақсадга эришиш янада қийинлашади.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларида қачон юридик хизматдан узлуксиз фойдаланади, қачонки бу уларга фойда келтиришини ва хавф хатар ва эҳтимолий зарарларни камайитириш мумкинлигини билсагина онгли равишда фойдаланишни бошлайди.

Бунга эришиш учун қуйидаги тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, адвокатура фаолиятни такомиллаштириш ва тадбиркорлик субъектларига сифатли ва уларнинг фаолиятини қонуний йўлга қўйиш ва кенгайтиришда кўмак берадиган адвокатларни тарбиялаш лозим. Бу фикрга келишимизга сабаб, ҳозирда Ўзбекистон Республикасида адвокатура фаолиятини жуда ёмон деб бўлмайди, шу билан бирга давр талабига ҳам тўлиқ жавоб бермайди. Бунда устуворлик асосан иқтисодий шартномавий муносабатларга берилмоқдаки, яъни экспорт шартномаларини тузиш, товар етказиб бериш ҳамда хорижий шериклар билан ўзаро муносабатга киришишда қаноатли юридик хизматни кўрсатадиган адвокатлик тузилмалари камчиликни ташкил этади. Шунингдек, маъмурий муносабатларда, хусусан солиқ ва божхона ҳуқуқий муносабатларда ҳам тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўймоқдаки, бу ҳам юридик хизматдан фойдаланмаслик ёки юридик хизматнинг қониқарли эмаслигидан далолат беради. Шу билан биргаликда адвокатлар томонидан турли хил ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг содир этилиши уларга бўлган ишончни йўқотилишига олиб келмоқда. Бунда уларга нисбатан жавобгарлик чораларини қучайтириш лозим ва самарали ҳамда сифатли хизмат кўрсатадиган адвокатлар рейтингини республика миқёсида ташкил этиш лозим.

⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 4-сон, 50-модда

Иккинчидан, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини бошлаш ва давом эттириш жараёнида юридик хизматдан фойдаланиш муҳим ҳамда фойдали эканлиги борасидаги тушунтириш ишларини барча воситалардан фойдаланган ҳолда, хусусан оммавий ахборот воситаларида, аҳоли энг кўп қизиқадиган ва ўқийдиган газета ва журналларда узлуксиз чоп этиб бориш лозим.

Учинчидан, тадбиркорлик субъектлари юридик хизматдан фойдаланишда адвокатга ҳақ тўламасдан, ўз ташкилотида фаолият даражасидан келиб чиққан ҳолда юридик департамент, юридик бошқарма, юридик бўлим, юридик бюро шаклида ташкил қилиниши ёхуд битта штатдан иборат бош юрисконсульт, етакчи юрисконсульт, катта юрисконсульт ёки юрисконсультдан иборат штат бирлиги ташкил этиш орқали амалга ошириш тўғрисида ёки фуқаролик тартибиде яъни топшириқ шартномаси тузиш орқали ҳам бир марталик ёки муайян даврга юридик хизматдан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида амалий қўлланма ишлаб чиқиш лозим.

Тўртинчидан, янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 3 йил (ёки муайян имтиёзли давр) давомида барча ҳуқуқий масалалар юзасидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, унинг ҳудудий бошқармалари ва ахборот маслаҳат марказлари ҳамда Ўзбекистон Адвокатлар палатаси тизимидаги адвокатлик тузилмалари томонидан барча юридик хизматлар ҳеч қандай тўловлар олинмасдан кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мазкур юқоридаги таҳлилий фикрларнинг амалдаги қонунчиликда ўз ифодасини топиши ва амалда кенг тадбиқ этилиши тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз фаолиятини қийинчиликларсиз бошлашига, яъни “оёққа туриб олишига” имконият яратиш билан бирга, уларнинг кичик тадбиркорлик субъектидан ўрта ва йирик тадбиркорлик субъектига айланишига замин яратади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг нақадар самарали бўлиши республика миқёсида юридик хизматнинг узлуксиз, тўлақонли ва сифатли ташкил этилиши ҳамда тизимли такомиллаштирилиши каби масалаларга боғлиқдир.